

Боласини тан олмаган ота гуноҳкор ҳисобланадими?

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



19:10 / 17.02.2019 3501

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳ. Боласини тан олмаган отага гуноҳ ёзиладими? Ёки охиратда уни нима кутади?

Жавоб: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қай бир аёл бир қавмга улардан бўлмаган шахсни киритса, унга Аллоҳдан ҳеч бир нарса йўқдир ва Аллоҳ уни жаннатига зинҳор киритмас. Қай бир эркак ўзи қараб туриб, ўз боласини инкор қилса, Аллоҳ таоло ундан тўсилур ва аввалгию охиргилар ҳузурда уни шарманда қилур», дедилар».

Абу Довуд, Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган. Ҳоким саҳиҳ деган.

Зино қилиб орттирган боласини эрининг қавмига билдирмай қўшиб юборган аёл дунёдаги энг бадбахт аёллардан бўлади. Ундай нобакор аёлнинг икки дунёси куяди. Аллоҳнинг динидан бирор насибага эга

бўлмайди. Охиратда эса Аллоҳ таоло уни дўзах азоби ила азоблайди ва жаннатга яқин ҳам келтирмайди.

Бировнинг боласини бошқа қавмга қўшиш қанчалик ёмон бўлса, ўз боласини билиб туриб инкор қилиш ҳам шунчалик ёмондир. Бундай гуноҳ ишни қилган одамдан Аллоҳ таоло тўсилади ва қиёмат куни барча халойиқ олдида уни шарманда қилади.

Шундай йўллар билан Ислом инсоният наслини соғ-саломат, ҳаром-хариш аралаштирмай сақлаб келган. Зотан, Ислом шариатининг бош мақсадларидан бири ҳам наслни муҳофаза қилишдир. Ислом йўқ жойда эса насл-насабнинг тайини қолмаслигини кўриб-билиб турибмиз. **Валлоҳу аълам.**